

УЎК: 330.115:634

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Урдушев Хамракул,

иқтисодиёт фанлари номзоди, кафедра муdiri, доцент;

Эшанкулов Сирожиддин,

мустақил тадқиқотчи, ўқитувчи

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

***Аннотация.** Мақолада интеграциялашган тузилмаларда инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги янги технологияларнинг қайта ишлаш саноати имкониятлари билан интеграциялашувини таъминловчи мева-сабзавот кластерларини шакллантиришнинг схематик тузилмалари келтирилган. Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида кластер тизимининг афзалликлари таҳлил этилган.*

***Таянч сўзлар:** соҳа, кластер, кластер технологиялари, кооперация, хўжалик, механизм, фермер, сабзавот, узум, бозор, экспорт.*

ЭТАПЫ ФОРМИРОВАНИЯ ПЛОДООВОЩНЫХ КЛАСТЕРОВ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИХ РАЗВИТИЯ

Урдушев Хамракул,

кандидат экономических наук, доцент, заведующий кафедрой;

Эшанкулов Сирожиддин,

самостоятельный соискатель, преподаватель

Самаркандский институт ветеринарной медицины

***Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы развития инновационной деятельности в интегрированных формированиях. В статье приведены концептуальные структуры формирования плодовоовощных кластеров, позволяющие интегрировать новейшие технологии в области сельского хозяйства с возможностями перерабатывающей промышленности. Анализируются преимущества кластерной системы в производстве, хранении, переработке и реализации фруктов и овощей.*

***Ключевые слова:** отрасль, кластер, кластерные технологии, кооперация, хозяйства, механизм, фермер, овощ, виноград, рынок, экспорт*

STAGES IN THE FORMATION OF FRUIT CLUSTERS AND THEIR DEVELOPMENT PROSPECTS

Urdushev Xamrakul,

PhD in Economics, Associate Professor, Head of the Department;

Eshankulov Sirojiddin, Independent Applicant, Teacher

Samarkand Institute of veterinary medicine

Abstract. *The article deals with the development of innovation activities in integrated formations. The article presents conceptual structures for the formation of fruit and vegetable clusters that allow integrating the latest technologies in the field of agriculture with the capabilities of the processing industry. The advantages of the cluster system in the production, storage, processing and sale of fruits and vegetables are analyzed.*

Keywords: *industry, cluster, cluster technologies, cooperation, farms, mechanism, farmer, vegetable, grape, market, export.*

Кириш

Барча тараққий этган мамлакатларда бўлгани сингари кейинги уч-тўрт йилда Ўзбекистонда ҳам кластерлаштириш амалий фаолият соҳаси сифатида ривожланмоқда. Мамлакатимизнинг турли минтақаларида кўплаб кластер лойиҳалари амалиётга жорий этилмоқда. Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши учун бозор иқтисодиётининг истиқболли йўналиши сифатида амалиётга, хусусан, қишлоқ хўжалиги тармоқларига кластер моделининг механизмлари, хўжалик юритиш ва бошқарувларини жорий этиш фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини таъминлашга асос бўлади.

Мамлакатимиз ЯИМ таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 2019 йилда 28,1%ни ташкил этган. Қишлоқ хўжалигида бозор механизмлари ва замонавий технологияларнинг жорий этилиши натижасида Ўзбекистонда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 66 та мамлакатга экспорт қилишга эришилди. Республика бўйича 2019 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида деҳқончилик маҳсулот-

ларининг улуши 50,2 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистон шароитида янги кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш илмий-методологик ва амалий-назарий жиҳатдан асосланганликни тақозо этади. Кластерларни ташкил этиш жараёнларининг аналитик таъминотларида камчиликлар бўлиши давлат органлари томонидан асосланмаган қарорлар қабул қилинишига олиб келади. Натижада кластерларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши кутилган самаралар бермайди. Шу боис ушбу мавзу доирасида тадқиқотлар олиб бориш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир.

Кластер ва иқтисодий жараёнларни кластерлаштириш мавзуси, унинг назарияси (Маршалл, Портер ва бошқ.) ва амалиёти ишлаб чиқариш – рақобат ва сифатга асосланган ривожланган мамлакатларда юзага келди. Унинг назарий, амалий ва илмий методологияларини ривожлантириш масалалари дунёнинг кўплаб таниқли иқтисодчилари (Энрайт, Шмиц, Розенфельд, Физер, Ван ден Берг, Бергман ва Фезер, Энрайт, Фаррелл, Свон ва Превезер) тадқиқот предметига айланди.

Кластернинг асосий характерлари биринчи марта бундан юз йиллар муқаддам, яъни XIX асрнинг охирларида инглиз иқтисодчиси А. Маршаллнинг “Иқтисодиёт фанининг тамойиллари” (1890) асарида келтирилган [2]. Дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган бу асарда “... яқин жойлашган корхоналарнинг “саноат худуди”ни шакллантириш” ҳақида сўз боради. Маршаллнинг фикрига кўра, “саноат худудлари”ни шакллантириш ишчилар ўртасида коммуникация интенсивлигини ошириб, янги ғояларнинг тезроқ тарқалиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг яхшиланиши ва ижтимоий муносабатларда яқинроқ алоқалар ўрнатишга олиб келади. Кейинчалик америкалик иқтисодчи М. Портер (1993) томонидан бу ғоялар ривожлантирилди ва у “Рақобат (On competition)” номли асарида кластерлар назариясини ишлаб чиқди [3]. Портер томонидан иқтисодиёт фанига биринчи мартаба “кластер” (боғлам, занжир) атамаси киритилди, таснифланди ва кластер минтақавий иқтисодиётни рақобатли ривожлантиришнинг стимули эканлиги асослаб берилди. “Кластер” (cluster) инглизча сўз бўлиб, кўплаб иқтисодий мазмундаги манбаларда “боғлам, гуруҳ, занжир”, шунингдек, “биргаликда ўсиш, тўпланиш, концентрация” маъноларида қўлланилади.

Экспертларнинг баҳолашича, “кластерлаштириш ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг 50 фоизини қамраб олган. Европа Иттифоқи давлатларида 38 фоиз ишчи кучларини банд қилган 2000 мингдан зиёд кластерлар фаолият кўрсатмоқда” [4].

Мавзу доирасидаги ўрганишлар, кластер назарияси ва амалиёти масалалари кўплаб россиялик иқтисодчи олимларнинг ҳам муҳим тадқиқот предметларидан бири эканлигини кўрсатади. Масалан, Л.С. Марковнинг илмий ва монографик тадқиқотларида “иқтисодий кластер тушунчаси ва унинг муҳим

жиҳатлари” [5] ва “иқтисодиётда кластерли ёндашувнинг назарий-методологик асослари” ёритилган. Шунингдек, Т.В. Миролюбовнинг монографик тадқиқотларида [6] “минтақавий кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш омиллари ва қонуниятлари”, белорусиялик олимлардан Н.В. Мордовченков ишларида “Беларусь агросаноат мажмуи бошқарувининг технологик жараёнларида ... “агрокластер – инновацион ташкилий-иқтисодий механизмлар” сифатидаги жиҳатлари [7] ва Д.М. Крупскийнинг кластерга оид тадқиқотларида “... Беларусда кластерлар, кластерли ривожланиш, республиканинг кластер сиёсати”дан келиб чиқиб, “кластерга қарашлар эволюцияси, реал амалиёт, кластерларнинг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари”га оид фикрлар атрофлича ёритилган [4].

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тармоқларида кластер усулининг жорий этилиши янги ва инновацион ёндашувдир. Бироқ мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тармоқларига кластерларни жорий этишнинг амалий тажрибаси яқин йиллардан бошланганлиги сабабли иқтисодий фанларда кластерларга оид амалий-назарий тадқиқотларнинг камлиги кузатилмоқда. Шу боис кластерларни ушбу мавзу доирасида ўрганиш долзарбдир.

Ўз навбатида, янги жорий этилаётган янги тизимлар ҳам кластер усули сингари назарий-методологик ва илмий асосланган бўлиши тақозо этилади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу тадқиқотни олиб боришда индукция, дедукция, иқтисодий ва қиёсий, монографик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари

Мамлакатимизда “пахта-тўқимачилик”, “мева-сабзавот”, “чорвачилик”, “ипакчилик” кластерларига қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликда ишлаб чиқа-

ришни ташкил этишнинг замонавий шакли сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистонда кластерлаштириш масалалари Г. Зоҳидов ва М. Раҳматов, Б. Зариповларнинг монографик тадқиқотларида, А. Бурханов ва б., М. Тошболтаев, Н. Махмасобирова, Ш. Мустафакулов **ва мазкур мақола муаллифларининг илмий ишларида ўрганилган.**

2020 йилдан бошлаб босқичма-босқич пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмасидан воз кечилиши кутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги соҳасида мураккаб иқтисодий жараёнларни қамраб олувчи трансформацияларни амалга оширишни тақозо этади.

Эндиликда истиқболсиз ва самардорлиги паст, сув таъминоти яхши бўлмаган экин майдонларида пахта ва ғалла етиштиришга барҳам берилади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда пахта ва буғдой, масалан, экин майдонларининг 50 %гача қисқариши қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини 51 % ва қишлоқ хўжалигида бандликнинг 16 %га ошиши ҳамда ва сувнинг 11 %га тежалишига олиб келади [8].

Иқтисодиётга оид фанлар ва саноат соҳасида “Инновацион-саноат кластери”, қишлоқ хўжалигида “Агрокластер” ва туризм соҳасида “Туристтик кластер” атамалари қўлланилади ва таснифланади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига оид тадқиқотларда “қишлоқ хўжалиги кластери”, “агрокластер”, “аграр кластер” ва “агросаноат кластери” каби атамалардан фойдаланилади. Ўрганишлар фан ва амалиётда кластерлар учун умумқабул қилиниши мумкин бўлган тасниф мавжуд эмаслигини кўрсатади. Ўз ўрнида агрокластерлар “ишлаб чиқариш”, “фан ва таълим” ва “қишлоқ хўжалигини бошқариш минтақавий органлари” каби структуравий элементларга бўлинади ва ҳар бирининг барқарор ривожланишга эришишдаги роли аниқланади.

Кластер – бу сунъий равишда пайдо бўлмайдиган, ўз-ўзини шакллантириш асосида юзага келадиган, ўзига хос бўлган интеграллашган структурадир.

А.А. Настиннинг ёзишича, агрокластер, бу – турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда рақобатбардош маҳсулотлар олиш ва ҳар бир бизнес бирлигининг рентабеллигини таъминловчи, технологик жараёнларни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари синергетик эффекти бўлганда мавжуд бўладиган тизимдир [9]. Унга кўра, агросаноат кластерларини шакллантириш тизимли ёндашувнинг бевосита амалий қўлланилишини ифодалайди, яъни:

- биринчидан, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ривожланиши, шу жумладан, минтақа ва мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш маҳаллий шарт-шароитлардан бошланади ва ривожлантириш дастлаб бир-бири билан боғланган масалаларни ҳал этишга қаратилади;

- иккинчидан, жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) шарт-шароитларида қишлоқ хўжалигини юқори технологиялар асосидаги илм-фаннинг сўнгги ютуқларидан, инновацион технологияларидан фойдаланган ҳолда ривожлантириш мумкин;

- учинчидан, мамлакат ва унинг турли минтақаларида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тахминан 80-90 фоизи фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан ишлаб чиқарилмоқда, шунинг учун аграр кластерлар тизими барча турдаги хўжалик юритувчи тузилмаларни иштирокчилар сифатида қамраб олиши керак;

- тўртинчидан, кластерли ёндашувга иқтисодий ўсишнинг янги назарияси асос қилиб олинган, унда фан, инновация ва инсон капиталига ривожланишнинг асосий омиллари сифатида қаралади;

- бешинчидан, кичик қишлоқ хўжалиги тузилмаларининг ривожланиши, унинг эгаларининг ҳаёт даражаси ва турмуш тарзини яхшилаш, глобаллашув шарт-шароитларида халқаро рақобатдошлигини таъминлашга йўналтирилган сифатли ўзгаришлар каби қаралади;

- олтинчидан, XXI асрда озиқ-овқатларда ресурслар танқислиги кузатилади ва озиқ-овқатларга чекланмаган талабларни келтириб чиқарадиган геосиёсат воситасига айланди;

- еттинчидан, озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошиши XXI асрнинг мега тренди бўлади, шу боис қишлоқ хўжалиги бизнеси бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ фойда келтиради;

- саккизинчидан, минтақа агро-саноат кластерларининг уникал рақобатбардош устунликларини яратиш учун кластерларни тизим сифатида шакллантиришни тақозо этади ва у кластер иштирокчиларини бир-бирини тўлдирадиган ва минтақа қишлоқ хўжалигининг барқарор ўсиши ва иқтисодий самардорлигининг юқори даражада бўлишини таъминлайди.

М. Портер "Clusters and The New Economics of Competition" асарида калифорния виночилик кластери иштирокчиларининг таркибини учта даражага ажратиб таснифлайди [10]:

Биринчи даража – кластер ядроси: виночилик қайта ишлаш корхоналари (вино ишлаб чиқарувчилар); узум ишлаб чиқарувчилар;

иккинчи даража – аралаш компаниялар: ўғитлар, пестицидлар, гербицидлар ишлаб чиқарувчи компаниялар; ҳосилни йиғиш ускуналарини ишлаб чиқарувчи компаниялар; ирригация тизимлари фаолият кўрсатишини таъминловчи корхоналар; бочка, этикетка, шиша идишлар, шиша қопқоқлари ва пробкаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар; узумни қайта ишлаш ускуналарини ишлаб чиқарувчи корхоналар;

учинчи даража – хизмат кўрсатувчи компаниялар (иқтисодий инфратузилма): таълим, илмий-тадқиқот ва савдо ташкилотлари (масалан, Вино институти, Кулинария институти ва шунга ўхшашлар); PR ва рекламларни амалга оширишни таъминловчи компаниялар; ихтисослашган ОАВлари (масалан, "Савдо" журнали – Trading magazine) ва шунга ўхшашлар; Калифорния штатининг давлат структураси – Виночилик бўйича қўмитаси; кластер иштирокчиларининг бир-бири билан ўзаро алоқасини таъминловчи ташкилотлар.

Портер тадқиқотларида Калифорния виночилик кластери штатдаги бошқа қишлоқ хўжалиги кластери, озиқ-овқат кластери ва туристик кластерлар билан боғлиқликда ўрганилган.

Одатда, ишлаб чиқариш жараёнларида ўз фаолиятининг истиқболлиги, минтақадаги аҳамияти ва рақобатбардошлигини кўрсатган йирик корхоналар агрокластернинг иқтисодий ядроси ҳисобланади. Ядро атрофида технологик занжирни таъминловчи ўрта ва кичик корхоналар, таъминотчилар ва инфратузилма тузилмалари концентрациялашади.

Таъкидлаш керакки, фақат минтақанинг маҳаллий (локал) бозорига хизмат қиладиган кластерлар ва ўз маҳсулотларини минтақадан ташқарига экспорт қилувчи кластерлар бўлиши мумкин, табиийки, маҳаллий ва жаҳон бозорларига товар ва хизматларни экспорт қилувчи кластерлар рақобатли устунликларга эга бўлади.

М.В. Миролубованинг монографик тадқиқотларига асосланганда, мамлакатимизда шакллантириладиган мева-сабзавот кластерларининг таркиби учта асосий ярус (қатлам, даража)ни ўз ичига олади, булар [6]:

- биринчи ярус (даража) ёки "кластер ядроси" маҳсулот ишлаб чиқарувчи компаниялар бўлиб, уларга маҳаллий бозорда фаолият юритувчи фирмалар ва

ўз маҳсулотларини (товарлар ёки хизматлар) минтақадан ташқарида экспорт қилувчи етакчи компаниялар киради (фермер хўжаликлари, агрофермалар). Айнан ўз товарлари/хизматларини мамлакат минтақалари ва ташқи бозорга экспорт қилувчи етакчи фермалар кластернинг иқтисодий муваффақиятларини таъминлайди ва минтақага молиявий оқимларни жалб қилиб боради. Бундай етакчи компаниялар кластерда устунлик қилади;

- иккинчи ярус (даража) – бу кластер ядроси атрофида бирлаштирилган аралаш компаниялар бўлиб, унга асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчилар (ва етказиб берувчилар), технологик таъминловчилар, хомашё ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган тегишли компаниялар киради. Ушбу гуруҳга йирик, ўрта ва кичик корхоналар ҳам кириши мумкин.

Кўп ҳолларда кластерларда кичик ва ўрта бизнес компанияларининг юзага келиши етакчи фирмаларда бизнес-жараёнларининг аутсорсинги билан боғлиқ бўлади. Маълумки, кичик ишлаб чиқариш корхоналари мослашувчан бўлиб, уларда инновациялар тезроқ амалга оширилади, бундан ташқари, бу ерда базавий корхонага қараганда ишлаб чиқариш харажатлари арзонроқ.

Кластерларни шакллантириш жараёнида йирик бизнеснинг роли кичик ва ўрта бизнесни ишлаб чиқаришга жалб этиш, фаол ҳамкорлик, кооперацион ва субконтрактацион муносабатлар асосида, фаол ишблармонлик ва ўзаро ахборот алоқаларини йўлга қўйишда намоён бўлади. Боиси кластерда кичик бизнес ривожланишида кооперацион алоқалар юзага келиши фундаментал аҳамият касб этади;

- учинчи ярус (даража), бу – кластернинг иқтисодий инфратузилмасини ташкил этувчи хизмат кўрсатувчи компаниялар – илмий-техник ва сервис марказлари; молия-кредит институтлари; инвестиция фондлари;

олий ва ўрта махсус таълим муассасалари; илмий-тадқиқот ташкилотлари, жамоат ташкилотлари; суғурта ва консалтинг компаниялари ва бошқалар.

Демак, кластерлар уч даражадаги иштирокчиларни ўз ичига олади: 1) асосий компаниялар; 2) турдош хўжалик фаолияти юритувчи компаниялар; 3) иқтисодий фаолият турларига хизмат кўрсатадиган компаниялар – иқтисодий инфратузилмалар.

Қайд этиш лозимки, кластер ядроси унинг “юзи”ни ифодалайди ва унинг ихтисослашуви ва номланишини белгилайди. Бир кластер ядросига мансуб бўлган компаниялар бошқа бир кластерга унинг ядроси бўлиб кира олмайди, лекин улар бошқа кластернинг иккинчи ва учинчи даражада қатнашиши мумкин.

Кластер ядросидаги компаниялар бир хил турдаги маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) ишлаб чиқарганлиги сабабли улар ўртасида рақобат сақланиб қолади. Шу боисдан кластерни ташкил этувчи компаниялар ўртасидаги ўзаро рақобат кластер ядросининг принципал муҳим хусусияти ҳисобланади, яъни кластер ядросида ҳам рақобат ва ҳамкорлик кузатилади. Кластер ядросининг бир қисми бўлган компаниялар бозор улуши учун бир-бири билан ўзаро рақобатлашади, бироқ айна пайтда улар бир-бири билан ҳамкорлик қилади.

Е.В. Малиш [11] инновацион агро-кластерларни аниқлашда Портер методологиясига асосланади, ҳудудий озиқ-овқат агрокластерлар таркибини “кластер ядроси”, “қўшимча объектлар”, “хизмат кўрсатиш объектлари” ва “ёрдамчи объектлар”га ажратади. Келтирилган ёндашувга асосланганда, Ўзбекистонда шакллантирилаётган мева-сабзавот кластерлари таркиби қуйидаги элементлардан иборат бўлади:

- “ядро, кластер ядроси” – кластерни гуруҳловчи, жойлашини белгиловчи ва фаолиятини амалга оширувчи агрофирмалар, фермер, деҳқон

хўжаликлари ва томорқа ер эгалари, қайта ишлаш корхоналари, тайёрлов корхоналари каби объектлар;

- "қўшимча объектлар" – кластер "ядро"сининг бевосита ишлашини таъминловчи объектлар – илмий-тадқиқот, олий ва ўрта ўқув муассасалари, технопарклар ва ҳ.к.;

- "хизмат кўрсатиш объектлари" – иштироки мажбурий бўлган "ядро" объектларининг ишлаши билан бевосита боғлиқ бўлмаган сервис марказлари, савдо марказлари, дистрибьютер фирмалари, қурилиш, транспорт ва логистика марказлари (мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, бирламчи ёки чуқур қайта ишлаш бўйича қувватлар, қишлоқ хўжалиги техникаси), молиявий тузилмалар каби объектлар;

- "ёрдамчи объектлар" – иштироки мақсадга мувофиқ бўлган (мажбурий бўлмаган) ва кластер "ядро"си бошқа объектларининг ишлаш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган объектлар – маслаҳат, реклама, аудит, юридик, консалтинг, лизинг, факторинг, суғурта, инвестициялар, кластер таркибидаги венчур корхоналар.

Кластерни шакллантиришда унинг иштирокчиларининг бир-бири билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларига асосланиб, кластернинг фаолият кўрсатиш шартларини белгиладиган долзарб муаммоларни ҳал этишни тақозо этади, яъни кластер ичидаги компетенциялар (ваколатлар)ни аниқлаш; барча кластер иштирокчилари ўртасида қўшилган қийматни тақсимлаш шаклини белгилаш; кластерда иштирок этувчи корхоналарнинг технологик, иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий самарадорлиги кафолатлари; кластернинг барча иштирокчиларининг самарали ривожланишини таъминлаш; минтақанинг ижтимоий-экологик ва иқтисодий ривожланиши кафолатланиши.

Рақобат ва юқори даражада кооперациянинг ривожланиши кластер иқти-

содиётининг муҳим жиҳатини ифодалайди.

Айрим тадқиқотларда "агрокластерли инновация" ибораси қўлланилади. Масалан, Н.В. Мордовченковнинг таърифига кўра, "агрокластерли инновация" ташкилий-хўжалик юритувчи ўзаро боғланган компанияларнинг янги шакли бўлиб, ўзининг рақобатли устунликликларига ҳамкорлик муносабатлари орқали эришади, қишлоқ хўжалиги ҳудудларида аҳолининг сифатли турмуш тарзини таъминлаш ва амалий фаолиятларда қўлланиладиган технологик жараёнларни такомиллаштириш инновацияларнинг амалий натижаси бўлади ҳамда унга турли хил инфратузилмаларни шакллантириш эвазига эришилади [7].

Бундан ташқари, кластернинг шакллантирилиши кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш жараёнлари, маркетинг, материалларни харид қилиш, рисклар, талаблар ва маҳсулотлар бозори маълумотларининг ўзгаришига боғлиқ ахборотларга оид жорий муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, уларнинг рақобатбардош мавқеини яхшилашга ёрдам беради.

Кластерда транзакция ва транспорт, инфратузилма объектларини яратиш харажатларини камайтириш учун шарт-шароитлар яратилади, унга кластер корхоналари ходимларининг малакасини ошириш учун шароитлар яратиш, давлат бошқарув органлари ахборот базаларига киришни таъминлаш орқали эришилади. Кластер кооперацияларининг ривожланиши туфайли корхоналар: хомашё етказиб берувчилар, малакали ишчилар, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва таъминот-чилар, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш корхоналари каби ташқи иқтисодий эффектлардан фойдаланиш имкониятлари юзага келади. Кластер улгуржи харидорларни жалб қилиш ва

рақобатли маҳсулотларни мамлакатнинг ички минтақалари ва ташқи бозорларида сотишга имконият яратади. Кластерни ривожлантиришда кичик ва ўрта корхоналарнинг ўрни, сифатли ва рақобатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, шунингдек, кластер иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш функцияларини таъминлаш билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалигида кооперацияларни ривожлантириш, кластернинг замонавий ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш инфратузилмасидан фойдаланиш, унинг иштирокчиларининг маҳсулотлари барқарор сотилишини таъминлаш барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни сезиларли даражада кўпайтиришни таъминлайди.

Энди кластерни шакллантиришга оид айрим тақдиқотларга тўхталиб ўтамиз. Д.М. Крупский (Белорус Республикаси) тақдиқотларида кластерни шакллантириш “тайёрлов босқичи”, “асосий босқич” ва “якуний босқич”дан иборат учта алгоритмга ажратилади [4]:

тайёрлов босқичи: кластерни тузишнинг долзарблигини баҳолаш; кластерни шакллантириш имкониятларини баҳолаш; кластерни тузиш учун мотивларини очиб бериш; кластернинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;

асосий босқич: кластер иштирокчиларининг таркибини аниқлаш; минтақа ривожланишининг таянч нуқталарини стимуллаштириш учун бозор механизмлари асосида ресурсларни қайта тақсимлашни баҳолаш; кластер тузишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаш; кластернинг ташкилий лойиҳасини техник-иқтисодий асослаш; кластер иштирокчилари ўртасида ташкилий мажбуриятларни тақсимлаш; кластер фаолиятининг эффектларини аниқлаш;

якунловчи босқич: минтақа маъмурияти билан ўзаро алоқалар механизмининг шакллантириш; манфаатдор (вазирликлар, бошқармалар ва тузил-

малар) билан экспертизалар ўтказиш ва хулосалар олиш; кластер тузиш ҳақида шартномалар ишлаб чиқиш ва имзолаш.

Е.М. Терешин (Россия) кластерларни шакллантириш жараёнини тўртта босқичга ажратади [12]. Биринчи босқичда кластерга киришга муносиб ва хоҳиши бўлган корхоналар аниқланади. Бундай ҳолларда кластернинг потенциал иштирокчиларининг мотив(рағбат)лари аниқланиши лозим. Мотивлар иштирокчилар (таъсисчилар ва меҳнат жамоалари)ни ишлаб чиқариш, молиявий, инвестиция, ижтимоий ва психологик манфаатлари ҳисобига шакллантиради.

Кластерни ташкил этишнинг иккинчи босқичида кластер тузишнинг ички ва ташкилий тамойиллари ишлаб чиқилади. У кластер стратегиясини ишлаб чиқиш, кластер таркибига кирадиган корхоналарнинг умумий муаммолари ва имкониятларини таҳлил қилиш, кластерни ривожлантириш ва кенгайтиришга оид кейинги ҳаракатлар режасини тузиш, кластернинг мувофиқлаштирилган тузилмасини шакллантиришни ўз ичига олади.

Учинчи босқичда шаклланган кластер доирасида иштирокчилар ўзаро муносабатларининг тартиблари ишлаб чиқилади. Кластер корхоналари қўшма кўргазмалар ташкил этишда, умум-маҳсулотлар каталогини тузишда иштирок этиш, биргаликда хомашё ва материаллар сотиб олиш имкониятларини юзага келтиради. Ушбу тадбирлар қисқа муддатларда кластер самарадорлигини намоён қилиш, шунингдек, кластер иштирокчиларининг узоқ муддатли ўзаро муносабатларда манфаатдорликни ошириш эвазига амалга оширилади.

Кейинги босқичда корхоналар кластер доирасида зарурий ихтисослашув даражаси ва ҳамкорликка эришганда, уларда мавжуд ресурсларни бирлаштириш ва янги технологияларни жорий этиш имкониятлари юзага келади.

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Яқуний босқичда кластер зарурий бўлган ўзини ўзи таъминлаш даражасига етади. Ҳозирги даврда фермер хўжалик-

лари ривожлантирилиб, негизда кўп тармоқли фермер хўжаликлари юзага келмоқда (1-расм).



2-расм. Мева-сабзавот фермер хўжалигидан кўп тармоқли фермер хўжалигининг шаклланиш жараёни*

* Расм муаллифлар ишланмаси.

Ўрганишлар бу жараённи икки ёки уч босқичга ажратиб қараш мумкинлигини кўрсатмоқда. Масалан, дастлаб мева-сабзавот ишлаб чиқаришга ихтисослашган Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги "Сиёб Шавкат Орзу" фермер хўжалиги етиштирилган маҳсулотларни ички бозорда қайта ишлаш корхоналарига шартнома асосида сотиш билан ўз фаолиятини бошлаган (1-босқич).

Кейинчалик хорижий тажрибалар ўрганилди, етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш корхонаси, интенсив боғлар, замонавий иссиқхоналар барпо этилди. Кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолиятидаги мавжуд имкониятлар чорвачилик йўналишини ривожлантиришга йўнал-

тирилди. Натижада илғор хорижий технологиялар асосида чорвачилик ва паррандачилик комплекслари ташкил этилди, сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилди (2-босқич). Бундан ташқари, саноат соҳасида ҳам бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. Шу тарзда бугун "Сиёб Шавкат Орзу" фермер хўжалиги нафақат кўп тармоқли хўжалик, балки йирик ишлаб чиқариш корхоналари тармоғига айланди (3-босқич).

Ўзбекистонда мева-сабзавотчиликни жадал ва инновацион ривожлантириш учун мева-сабзавот кластери иккита йўналишда ташкил этилмоқда [1]:

• биринчи йўналиш: мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан то сотишгача бўлган белгиланган жараёни мустақил равишда амалга оширувчи ягона ёки *ўзаро боғлиқ корхоналар гуруҳи* доирасида мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш кластери (2-расм);


иккинчи йўналиш: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалиги юмушларини ташкил қилиш учун экиш материали, аванс тўловларини тақдим этувчи ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотни келишилган нархларда сотиб олувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, тайёрловчи корхоналар, қайта ишловчилар, экспорт қилувчилар ўртасида кафолатланган шартномалар асосида “уруғ – кўчат – маҳсулот етиштириш – тайёрлаш – сақлаш – қайта ишлаш – транспортировка қилиш – бозорга етказиш” тамойили бўйича узлуксиз занжирни шакллантирадиган мева-сабзавот маҳсу-

лотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш кластери (3-4-расмлар).

“Ўзбекизоқовқатхолдинг” компанияси маълумотларига кўра, ҳозирги даврда республикада 56 та мева-сабзавотчилик кластери фаолият кўрсатмоқда. Яна 86 та шундай кластерларни ташкил этиш учун лойиҳалар ва таклифлар шакллантирилмоқда ва босқичма-босқич амалиётга жорий этилмоқда.

Самарқанд вилоятида 13 та мева-сабзавотчилик кластерлари фаолият кўрсатмоқда (2020 йил, февраль).

Бу мева-сабзавот кластерлари – мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш (4 та); мева ва узумни қуритиш, саралаш ва қадоқлаш (3 та); узумни қайта ишлаш (2 та); узумни қуритиш ва қадоқлаш (1 та); сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш (1 та); қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва музлатиш (1 та); мева-сабзавот ва дук-какли маҳсулотларни қуритиш, саралаш ва қадоқлаш (1 та) йўналишларида фаолият кўрсатмоқда.



3-расм. “Гарден Пласт” МЧЖ мева-сабзавот кластерининг фаолият кўрсатиш схемаси*

* Расм манбаси [13].

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Вилоятда фаолият кўрсатаётган мева-сабзавот кластерларига бириктирилган умумий ер майдони 16 минг 727 гектарни ташкил этиб, унинг 13 минг 737 гектари ёки 82,1 фоизи фермер хўжаликларига тегишли майдонларни ташкил этади. Вилоят кластерларида 2573 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Кластерлар қайта ишлаш умумий қуввати 351500 (156919 тонна маҳсулотларни қайта ишлаш ва 194541 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш ҳамда қадоқлаш) тонна бўлган инфратузилмаларга эга.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида, айниқса, мева-сабзавот ва узумчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда деҳқон хўжаликлари етакчи ўринни эгаллайди. Масалан, 2019 йилда картошканинг 83,8 %и, сабзавотнинг 70,7 %и, мева ва резаворларнинг 60 %и, полизнинг 59,8 %и, узумнинг 56,3 %и деҳқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган [15].

• Ўзбекистонда 2019 йилда 14 млн 280,3 минг тонна мева-сабзавот (шундан

9945,5 минг тонна сабзавот, 2739,6 минг тонна мева ва резаворлар, 1595,2 минг тонна узум) етиштирилди. Узумнинг 897,7 минг тоннаси ёки 56,3 % деҳқон хўжаликлари ва 665,7 минг тоннаси ёки 41,7 % фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган.

• Ўзбекистон 2019 йилда \$1517,5 млн долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилган. Бу кўрсаткич республика умумий экспортининг 8,5 фоизини ташкил этади. Озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 132,2 фоизга ошган. Республикада 2019 йилда \$1,2 млрд долларлик 1,4 млн тонна мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинган. 2018 йилга нисбатан мос равишда 112,7 % ва 135,5 % ўсишга эришилган. Шунингдек, 2019 йилда эса 542,2 млн долларлик 816,5 минг тонна сабзавот, 658,1 млн долларлик 591,2 минг тонна мева ва резаворлар экспорт қилинган. Бу кўрсаткичларнинг 2018 йилга нисбатан ўсиши мос равишда 170,1% ва 116%ни ташкил этган.



4-расм. «Агромир» МЧЖ ҚК мева-сабзавот кластерининг фаолият кўрсатиш схемаси*

* Расм манбаси [13].

• Мева ва резаворлар экспорти 2018 йилда 357,7 млн, 2019 йилда 406,8 млн долларни ташкил этган. Бу кўрсаткич узумчиликда 2018 йилда 238,5 млн, 2019 йилда 328,3 млн доллар, сабзавотда 2018 йилда 318,9 млн, 2019 йилда 542,4 млн доллардан иборат бўлган. Валюта тушуми 2019 йилда 2018 йилга нисбатан мос равишда мева-резаворларда 113,7 %, узумчиликда 137,7 % ва сабзавотчиликда 170,1 %га ошган.

• “Ўзбекизоқиқовқатхолдинг” компанияси маълумотларига кўра, 2017 йилда 793 млн долл., 2018 йилда 1,03 млрд долл., 2019 йилда 1,4 млрд долл. озиқ-овқат маҳсулотлари ва мева-сабзавот экспорт қилинган. 2020 йилда бу параметр 2,3 млрд доллар бўлиши кутилмоқда.

Қозоғистонлик эксперт А. Тусупбековнинг қайд қилишича, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижаси ўлароқ, Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари озиқ-овқат бозорини 50 % қуритилган мевалар, 51 % карам, 37 % илдизмевалар, 34 % узум, 31 % полиз, 30 %дан мевалар ва қуритилган сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга эришди [16].

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ҳам иқлим ўзгаришлари, ёғингарчиликнинг камайиши, ҳавонинг меъёридан иссиқ келиши, ёз мавсумида ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши, қурғоқчилик, сув танқислиги каби қатор муаммолар олдида турибди. Ўзбекистонда ҳам чекланган сув захираларидан фойдаланишда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш усуллари жорий этилмоқда.

Хулоса ва таклифлар

1. Моҳиятан “кластер” тушунчаси кўп маънога эга ва унинг ягона талқини мавжуд эмас. У категория сифатида қўлланиш соҳаларига кўра турлича талқин этилади, бироқ кластернинг асосий моҳияти муайян функцияларни бажариш учун айрим элементларни бир бутун

(занжир)га бирлаштириш деган маънода ишлатилади.

2. Юқоридаги кетирилган таҳлилларга асосланиб, мева-сабзавот кластерини қуйидагича таснифлаш мумкин [14]: мева-сабзавот кластери – географик жиҳатдан концентрациялашган тармоқ, бир-бирини ўзаро тўлдирувчи бозор субъектлари (қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари, қайта ишлаш корхоналари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, корхоналар, банклар, давлат ҳокимияти органлари ва бошқ.) бўлиб, у фаолиятини озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва маҳсулотларни сотиш, қишлоқ ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари, атроф-муҳит муҳофазаси, глобал муаммоларнинг локал масалаларини ҳал этишга йўналтиради ва жойлашувига кўра, уникал рақобатли устунликларга эга бўладиган, фан ютуқлари, инновацион технологияларни қўллайдиган, бир-бирини ўзаро тўлдирувчи бозор субъектларининг турли тармоқлари тизимини ташкил этади (2-4-расмлар).

3. Мамлакатимизда кластерларнинг ташкил этилиши ва ривожлантирилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг оптимал ва инновацион шакли ҳисобланади. Мева-сабзавот кластери таркибига қирадиган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рақобатли устунликлари шакллантирилади, энг муҳими, мослашувчанлик ва бозордаги барча ўзгаришларга тезда жавоб бериш имкониятлари ошиб боради.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларини кластерлаштириш капитал ва технологиялар оқими ва тўғридан-тўғри инвестициялар ошишига имкон беради. Натижада ҳудудга молиявий воситалардан ташқари, янги инновацион технологиялар, интеллектуал ресурслар ва бошқарув кўникмаларини олиб келади.

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон фармони.
2. Маршалл А. Принципы экономической науки. – М.: Прогресс, 1993. – 309 с.
3. Портер М. Конкуренция. М.: Издательский дом «Вильямс», 2003. – 608 с.
5. Марков Л.С. Теоретико-методологические основы кластерно-го подхода. – Новосибирск: ИЭОПП СО РАН, 2015. – 300 с.
6. Миролюбова Т.В. Закономерности и факторы формирования и развития региональных кластеров: монография / Т. В. Миролюбова, Т. В. Карлина, Т. Ю. Ковалева; Перм. гос. нац. иссл. ун-т. – Пермь, 2013. – 283 с.
7. Мордовченков Н.В. Агрокластер как инновационный организационно-экономический механизм управления технологическими процессами в АПК. Азимут научных исследований: экономика и управление. 2015. № 1(10). – С. 89-94.
8. Сергей Зоря. Как сделать сельское хозяйство Узбекистана эффективным и конкурентоспособным
9. Настин А. А. Аграрный кластер «Новая деревня» Ульяновской области: практика опережает теорию? // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2011. № 10. – С. 53–57.
10. Porter M. Clusters and The New Economics of Competition // Harvard business Review. 1998. November-December.
11. Малыш Е. В. Выявление инновационных агрокластеров // http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/31291/1/rrsick_2014_2_07.pdf
12. Терешин Е.М. Принципы кластерных объединений в российской экономике // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. – 2011. – № 3. – С. 57–60.
13. Урдушев Х. Эшонкулов С. Мева-сабзавотчиликни ривожлантиришда кластерли ёндашувнинг самарадорлиги. “Агроиқтисодиёт” илмий-амалий агроиқтисодий журнал. 1(15) 2020. 28-30 б.
14. Урдушев Х., Эшонкулов С. Мева-сабзавотчиликни ривожлантиришда кластерли ёндашув // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнали) 2020 йил март. http://uza.uz/upload/iblock/e5a/KH.URDUSHEV_-S.ESHONKULOV.-IKTISOD.pdf
15. ЎЗР давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
16. <http://kazvedomosti.kz/article/uzbekistan-sekretu-selskohozyajstvennogo-proryva> -Узбекистан: секреты сельскохозяйственного прорыва. (Ведомости Казахстана)

Тақризчи:

Алиқулов А.И., иқтисодиёт фанлари доктори (DSc), доцент, Самарқанд ветеринария медицинаси институти кафедра мудири.